

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДА КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ilmiy rahbar: Dilobar Ibragimova

Ipak yo'li innovatsiyalar universiteti o'qituvchisi

Аннотация. Мақолада рақамли иқтисодиётнинг ҳозирги ривожланиш босқичи жараёнида кичик бизнес бошқарувининг аҳамияти ва барқарорликка эришиш каби муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажаришидаги алоҳида ўрни кенг ёритилган бўлиб, соҳани рақамлаштиришнинг муаммолари, салбий ва ижобий жиҳатлари бир қатор хориж ва маҳаллий олимлар тадқиқотлари мисолида ўрганилган. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий таррақиётида кичик бизнеснинг ўрни халқаро статистик маълумотлар асосида таҳлил қилинган. Рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнес бошқарувини рақамлаштириш юзасидан илмий аҳамиятга эга хулосалар берилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, кичик бизнес, бошқарув, ақлли бошқарув, ижтимоий-иқтисодий ўсиш, саноат эволюцияси, электрон тижорат.

Аннотация. В статье широко освещена роль управления малым бизнесом в выполнении таких важных социально-экономических задач, как достижение стабильности в процессе современного этапа развития цифровой экономики, изучены проблемы, негативные и позитивные аспекты цифровизации отрасли на примере ряда исследований зарубежных и отечественных ученых. Роль малого бизнеса в социально-экономическом развитии страны проанализирована на основе международных статистических данных. Даны научные заключения по цифровизации управления малым бизнесом в условиях цифровой экономики.

Ключевые слова: цифровая экономика, малый бизнес, управление, умное управление, социально-экономический рост, промышленная эволюция, электронная коммерция.

Жаҳон миқёсида илғор ривожланган мамлакатларда кичик бизнес субъектлари корхоналарнинг умумий сонининг қарийб 90 фоизини, миллий даромаднинг 40 фоизгача ҳиссасини, жумладан Европа Иттифоқида иш ўринларининг 20 фоизини ва қўшилган қийматнинг 18 фоизини таъминлаб бермоқда[3]. Кичик бизнес томонидан яратилган иш ўринлари, расмий яратилган 10 та иш ўринларидан 7 тасини ташкил қилиши дунё мамлакатларида кичик бизнесни янада ривожлантиришни, уларда молиявий бошқарувни самарали ташкил этиш ва молиявий ресурслардан унумли фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий фаолиятни барқарор ривожлантиришни янада рағбатлантирмоқда.

Жаҳон банки бизнес юритиш қулайлиги бўйича АҚШни еттинчи энг яхши мамлакат деб топди, лекин тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кичик бизнес субъектларини тартибга солиш бўйича хали ҳамон етарлича муаммолар мавжудлиги таъкидланди. Бир томондан, тартибга солиш истеъмолчиларни ҳимоя қилади ва барча корхоналарга тенг муносабатда бўлишни ва жамиятга тенг ҳисса қўшишни таъминлайди. Бошқа томондан, ҳаддан ташқари тартибга солиш бизнесни бўғиб қўйиши, уларни иш ўринлари яратиши ва иқтисодиётга ҳисса қўшишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Бугун рақамли технологиялар барча соҳаларга ва одамлар ҳаётига жадал кириб бормокда. Мамлакатимизда ҳам рақамли иқтисодиётни ривожлантириш энг муҳим вазифага айланган. Президентимизнинг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида 2023 йилга бориб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2 баробарга, ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 баравар ошириш, улар экспортини 100 миллион АҚШ долларига етказиш вазифаси қўйилган[1].

Статистик маълумотларга кўра, рақамли иқтисодиётнинг мамлакатлар ялпи ички маҳсулотидаги улуши АҚШда 10,9 фоиз, Хитойда 10 фоиз, Ҳиндистонда 5,5 фоизини ташкил этади. “Vouchercloud” портали тадқиқотчилари дунёдаги “энг ақлли” 25 давлат рўйхатини эълон қилди. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, биринчи ўринни Япония эгаллаган. Кунчиқар юрт тадқиқотнинг асосий кўрсаткичлари — Нобель мукофоти лауреатлари сони, аҳолининг ўртача IQ (ақл-заковат) даражаси, мактаблардаги ўзлаштириш кўрсаткич бўйича ҳам энг юқори баҳога сазовор бўлди[4].

Кичик бизнесни ривожлантиришда минтақалар муҳим аҳамият касб этади. Айнан маҳаллий ҳокимият органлари ўз ҳудудининг молиявий ва моддий имкониятларини, маҳсулот ва хизматларнинг муайян турлари бўйича аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжларини, минтақа нуқтаи назаридан фаолият соҳалари ва мулкчилик шаклидаги ресурслардан самарали фойдаланиш йўллари аниқ билишади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти 2022 йилнинг 20 декабрида Олий Мажлисга мурожаатномасида шундай деган эди: “ Якунига етаётган 2022 йил ғоят мураккаб ва синовли йил бўлди, десам, ҳар томонлама тўғри бўлади[2]. Ушбу даврда тўплаган тажрибамиз бир ҳақиқатни яққол исботлаб бермоқда: тараққиётга — фақат машаққатли ва жасоратли меҳнат орқали эришилади. Шу боис, пандемия, дунёдаги чуқур иқтисодий ва сиёсий инқирозлар, зиддиятларга қарамасдан, халқимизнинг қаҳрамонларча меҳнати билан эришган айрим ютуқларимизни айтиб ўтишни ўринли, деб биламан.

Кенг кўламли ва самарали ислохотларимиз натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошди. Иқтисодийтимизга шу йилнинг ўзида 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди, экспортимиз эса, 19 миллиард долларга етди. Бундай катта натижалар илгари бўлмаган. Одамларимизни касб-хунарли қилиш, уларнинг бизнесига кенг йўл очиш, ҳақиқий мулкдор бўлиб, даромад топиши учун зарур шароитларни яратмоқдамиз”.

Кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб – қувватлашнинг асосий вазифаси шундан иборатки, кичик ва йирик корхоналар ўртасидаги иқтисодий имкониятлар юзасидан бўшлиқни камайтириш, кичик корхоналарнинг ҳаққоний ҳуқуқларини таъминлаш, Ўзбекистонда бозор тизимини бошқаришни шакллантириш жараёни таркибида кичик ва йирик бизнеснинг оптимал нисбатини таъминлашдан иборат. Бу, биринчи навбатда, бозорнинг рақобат курашида ҳуқуқий жиҳатдан тенг шароитни яратиш, унинг тури ва шакли танловини мустақил амалга ошириш ва тадбиркорликни намоён қилиш усулларида эркин ҳаракатланиш, бизнесни амалга ошириш учун тенг имкониятларни яратиш, ҳуқуқ ва жавобгарликларни белгилаб қўйиш масаласида намоён бўлади. Бу эса ўз навбатида, кичик бизнеснинг муваффақиятли ривожланиши фақатгина қулай ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий ва бошқа шароитлар мавжуд бўлгандагина таъминланиши мумкинлигини англатади.

Рақамли иқтисодий шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганини мазкур соҳага оид кўрсаткичларнинг ижобий ўзгаришларидан далолат беради. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ислохотлар натижасида ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98,1 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолиимизнинг 74 фоиздан ортиғи мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда. Маълумки, кичик бизнес субъектлари фаолиятининг асосий афзалликлари орасида мобиллик, ўзгарувчан бозор конъюнктураси шароитларига тез мослашиш қобилияти ва капитал айланувчанлигининг юқори тезлиги кабиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектлари сони ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада ўсганлигини кўришимиз мумкин, яъни 2021 йилда 454 975 тани ташкил қилган бўлса, 2022 йил май ҳолатига 517,5 мингтани ташкил қилган.

Тадбиркорлик субъектлари сони йиллар кесимида 1- жадвал

Йиллар	Жами	фарқи-/+	фарқи/%
2018	250 503	20081	108,7
2019	314 489	63986	125,5
2020	376 982	62493	119,9
2021	454 975	77993	120,7
2022	517 500	62525	113,7

Манба: статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тадбиркорлик субъектлари йил сайин ошиб борганлигини кўриш мумкин, яъни 2018 йилда тадбиркорлик субъектлари сони 250 503 тани ташкил қилган бўлса, 2019 йилда 314 489 тани ташкил қилиб, 63 986 тага ошганлигини кўришимиз мумкин. Қолган йиллар миқёсида ҳам, яъни 2020 йилда 376 982 тани, 2021 йилда 454 975 тани, 2022 йилда эса 517 500 тани ташкил қилиб, тадбиркорлик субъектлари йилдан-йилга ошганлигини кўриш мумкин. Бу кўрсаткичларнинг йилдан-йилга ошиб борганлиги сабаби деб, мамлакатимизда тадбиркорликка қаратилаётган эътибор, яратилаётган имкониятларнинг юқори эканлигида деб айтсак, нотўғри бўлмайди деб ўйлаймиз.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдода 38459 та, саноатда 19285 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 11710 та, қурилишда 6330 та, яшаш ва овқатланишда 6621 та, ташиш ва сақлашда 2642 та ташкил этилган. Мазкур қайд этилган кўрсаткичлардан кўриш мумкинки, кичик бизнес субъектлари миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқ ва соҳаларида асосий улушни эгаллаган ҳолда уларнинг ривожига муҳим ўрин тутган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири - бу иқтисодий ўсишга эришиш, аҳоли учун юқори даражадаги турмуш тарзини таъминлайдиган самарали иқтисодиётни яратиш ва глобал иқтисодий ҳамжамиятда фаол иштирок этишини таъминлашдир.

Бугунги вазият ушбу юксак мақсадни амалга ошириш учун етарли даражадаги оптимистик ечим ҳисоблансада, кичик бизнесни қўллаб – қувватлаш унинг объектларидан келиб чиққан ҳолда ўзининг мустақил мақсадига ҳам эга бўлиб, уларнинг асосий йўналишларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- соф рақобатчилик амалиётини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- мулкдор ва тадбиркорларнинг кенг қатламини шакллантириш;
- фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишида максимал даражада ўз - ўзини шакллантиришини таъминлаш;
- кичик бизнесни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини ва субъектларининг устувор фаолият турларини рағбатлантириш;

- ресурсларни тўплаш ва уларни устувор йўналишларда қўллашга қўмаклашиш;
- кичик бизнес субъектларини йирик миллий иқтисодий дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, маҳсулот етказиб бериш ва давлат эҳтиёжлари юзасидан тадбирларда иштирок этишини қўллаб-қувватлаш;
- кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш фондларини модернизациялаш, илғор технологиялар ва янги ускуналарни жорий этиш бўйича имтиёз ва преференциялар бериш;
- кичик бизнес субъектлари билан боғлиқ юқори савдо ва молиявий таваккалчиликларнинг таъсирини камайтириш орқали рақобатчилик муҳитида кичик тадбиркорликнинг барқарор фаолият олиб боришини таъминлаш.

Жаҳонда кичик бизнеслар учун рақамли технологияларни жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бироқ, ривожланишнинг кўплаб муаммолари сақланиб қолинмоқда ва улар турли мамлакатларда турлича кўринишда намоён бўлади.

Кичик бизнеслар рақамли технологияларга сармоя киритишда катор қийинчиликларга дуч келмоқда. Масалан, Осиё ва Африкада кичик бизнеслар молиявий танқислик туфайли тўлиқ рақамли трансформацияни амалга оширишда қийналади. Кичик бизнес эгалари ва ходимлари кўпинча замонавий технологияларни ўзлаштиришда билим етишмаслигидан азият чекишади. Бу муаммо кўпинча Жанубий Америка ва Осиё мамлакатларида учрайди. Кўпгина мамлакатларда рақамли савдо ва технологияларни ривожлантириш учун ҳукукий меъёрий базанинг камчилиги сезилмоқда, бу эса бизнеслар учун муайян муаммоларни келтириб чиқаради. Кўпгина мамлакатларда булгани каби бизда ҳам кичик бизнесни рақамлаштиришдаги асосий муаммолар мавжуд бўлиб уларнинг кўринишлари қуйидагичадир:

- ✓ Молиявий мажбуриятлар (сармоя етишмаслиги, молиявий танқислик)
- ✓ Техник билим ва кадрлар етишмаслиги (замонавий технологияларни ўзлаштиришдаги қийинчиликлар, малакали кадрлар етишмаслиги)
- ✓ Киберхавфсизлик таҳдидлари (киберхужумларга қарши ҳимоянинг йуклиги еки киберхужумларга тайер эмаслик)
- ✓ Инфратузилма етишмаслиги (интернет сифати пастлиги, дастурий таъми нот билан боғлиқ муаммолар)
- ✓ Ҳукукий муаммолар (ҳукукий базанинг камчилиги)

Хулоса ва таклифлар. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, барқарор ривожланишини таъминлаш, ишлаб чиқариш ва аҳоли бандлигини таъминлашдаги улушини ошириш, кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжни қондириш каби йўналишларда тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

- фаолиятини янги бошлаган тадбиркорларни даромад солиғидан озод қилиш ёки камайтириш;
- ҳудудлар жойлашувига қараб тадбиркорларга имкониятлар бериш;
- бўш турган бино ва ер участкаларини пасайтирилган нархларда тадбиркорларга бериш;
- маҳсулотларни экспорт қилишда тадбиркорларга давлат томонидан кўмак бериш;
- тадбиркорлик курсларини ташкил қилиш ва аҳолини жалб қилиш.

Кичик бизнес бир томондан, рақобатбардошликнинг мақбул даражасини сақлаб қолиш учун рақамли иқтисодиёт элементларидан фойдаланишга мажбур бўлса, бошқа томондан, улар ўзлари ушбу элементларнинг ривожланиши учун шароит яратадилар. Бизнесда энг янги рақамли технологиялардан фойдаланиш тадбиркорлик субъектларини самарали ривожлантириш учун зарур ва шартдир.

Умуман олганда таъкидлаш мумкинки, кичик ва ўрта бизнес вакиллари рақобатбардош позицияларни таъминлаш ва келгусида ўз фаолиятларини рақамлаштиришни амалга ошириш мақсадида ҳозирги кунда учта стратегик вазифани ҳал қилишмоқда:

- биринчидан, етказиб берувчилар ва мижозлар билан яқинроқ алоқаларни ўрнатиш;
- иккинчидан, ўзининг операцион самарадорлиги даражасини ошириш;
- учинчидан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Президентимизнинг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Ўзбекистон Республикасининг Президенти 2022 йилнинг 20 декабрида Олий Мажлисга мурожаатномаси.
3. Ўзбекистоннинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш тўғрисида ИХТИЁРИЙ МИЛЛИЙ ҲИСОБОТИ 2023 й.
4. Иқтисод фанлари доктори, профессор О.Абдуллаев. ББК А Минтақалар ва мамлакатлар иқтисодиёти 225 б.2009й.